

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **689** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ–2099-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 26 декабрь,  
ПФ–4589-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги  
ПФ–4589-сон Фармониغا  
ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2014 йил 1 январдан бошлаб киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишловчи пенсионерларга тўланадиган пенсиялар ҳақида» 1995 йил 20 ноябрдаги ПФ–1289-сон Фармонининг 1-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«2014 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқаролик-ҳуқуқий тарзидаги шартномалар бўйича ишлайдиган ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган, ёшга доир пенсияларнинг минимал миқдоридан паст даромад (гоно-

рар, мукофот ва бошқалар) оладиган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сон Фармони 3-бандидаги «2014 йилнинг 1 январигача» сўзлари «2019 йилнинг 1 январигача» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сон Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2010 йил 30 мартдаги ПФ–4210-сон Фармони 1-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «2014 йилнинг 1 январигача» сўзлари «2017 йилнинг 1 январигача» сўзлари билан алмаштирилсин.